

ЯШАСИН БУТУН ИНСОНИАТНИНГ ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛИ — КОММУНИЗМ!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВАШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТ ВАШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

221 (1741)

6 ноябрь, 1960 йил, якшанба

Баҳоси 20 тийин.

САЛОМ ОКТЯБРЬ!

Салом эй Октябрь, улуг офтоб, салом эй инқилоб, буюк истиқбол! Сен инсоният баҳорисан, бахтисан, ёрқин келажакисан! Сени бутун олам, бутун борлиқ олқишлайди, қутлайди. Чунки, сен инсоният бахтининг илк баҳоридек болдиб чиддинг, мазлуларга эрк, ҳуқуқ, бошпана, нон бердинг, улар қалбида келажакка ишонч, умид бахш этдинг.

«Аврора»нинг мағрур наъраси инсониятнинг тарихида янги, ёрқин саҳифа очди, эски, увардаси чиққан капитализм системасининг ҳалокати даврини, янги туғилдиб келаятган гузал жамият — социализмнинг тантанаси даври бошланганидан далолат берди. Башариётнинг улуг қўли В. И. Ленин бошчилиги қилган коммунистлар партияси бутун йўқиллар, қўллар ва оқлар дувёсини Октябрнинг жанговар ғолиб байроғи остига бирлаштириб, капитализмни бутун жаҳр-жафолари, зулм занжирлари билан гўрга тикди, янги социалистик жамият барпо этди.

Октябрнинг нурафшон, оромбахш қўлини чор Россиясининг теңиз Улақларига, миллий зулм, ҳуқуқсизлик ва қашшоқлик исли қўрилмаган даражада авжга чиққан ўлақларига ҳам озодлик нурини сочди. Асрлар бўйи «кумшудек таби балчиққа ботиб» ётган ўзбек ишчиси, камбағал деҳқонни гафлат уйқусидан уйғотди.

Шундан бери қанча йиллар ўтди. Ҳа, ярим асрга яқин, 43 йил... Бу инсониятнинг кўп асрлик кекса тарихи олдига бир дақиқасига, холос! Ленин, бу қисқа давр минг йиллар тарихига тенг. Бу давр ичиде биз қоронғиликдан — ёруғликка, ҳуқуқсизликдан — эркинликка, қашшоқликдан — фаровонликка, саводхонликдан — саводхонликка, қасас социалистик маданиятга эришдик. Ҳур республикаларнинг озод иттифоқи — Советлар Батани дўстлар энг қудратли давлатга айланди. Мамлакатимизда социализм узи-қасид галаба қилди. Энди биз доно партияимиз раҳбарлигида коммунизм сари йўл олдик. Биз тарихда биринчи бўлиб коммунистга йўл очдик. «Спутник»ларимиз, ракета-кемаларимиз, Ленин атом музёваримиз, фан ва техниканинг бошқа ажойиб муваффақиятлари Улуг Октябрь бошлаган улуг ишнинг ажойиб самараларидан, социализмнинг буюк ҳаётини кўчидан далолат беради.

Ассалом Октябрь, ассалом рус халқи, улуг оғамиз, ассалом партия буюк раҳбари! Байрам шодлиқларига тўла шу ажойиб кунда юрагимиздаги энг нозик, энг яқин ва энг яхши ҳиссиётларимиз, меҳр-муҳаббатимизнинг Октябрнинг яқиндоғи доно партияимизга, катта оғамиз рус халқига йўллаймиз. Ким эдик, ким бўлдик, ахир эй ўзбек Эзизлиги, ҳурланган, саводхон, қоракор деҳқон. Эндичи тинчонам ўзбек, бахтиёр инсон! Қувонқ ҳаётимизнинг ҳақиқий кўнайини! Советлар элида ҳур Ўзбекистон, Шарқда сен ҳеч ўчмас машъаласан, гўё нурафшон. Соц-саноксиз завод ва фабрикалар республикаимизнинг гўриқараб ўсаятган санаотидан далолат беради. Ахир Совет Ўзбекистониде санаот аяли маҳсулотни ишлаб чиқариш 1913 йилда нисбатан 18 марта ўсди. Минг-минглаб миллий кадрлар ўчоғи бўлган ўттиздан ортқ олий ўқув юрталари, юзга яқин техникум, Фанлар акаде-

миялари, илмий-текшириш институтлари жонажон социалистик республикаимиз эришган ажойиб ютуқларнинг гувоҳи эмасми! Пахтачи — ўзбек халқининг миллий ифтихори! Ўтган йили Ватанга 3 миллион 163 минг тонна «оқ олтин» бердик. Бу йил эса 3 миллион 170 минг тонна пахта берамиз. Фақат Тошкент областининг ўзи бу йил ола-Ватанга 500 минг тонна пахта соғди. Гузал Тошкентчи, республикаимиз пойтахти, Совет Шарқининг дарвозаси, Пирик санаот, илм-фан, маданият маркази. Буларнинг ҳаммаси Улуг Октябрь бошлаб берган улуг ишнинг, Ленинча доно миллий сийсатининг ажойиб самаралари эмасми!

Салом эй Октябрь, сени 43 ёшга тўлган кунингда муваффақият қиламиз, табриқлаймиз. Сен кўтарган жанговар байроқ Эълба ва Адриатикадан тортиб Жанубий Хитой денгизигача чўзилган бепоён социализм лагери устиде порламоқда. Социализм мамлакатларининг бир-бирига дўст, иноқ ва қардош халқлари марксизм-ленинизм баёриғи остида инсониятнинг энг ораури — коммунизм қурилиши йўлидан олға бормоқдалар.

Минг-минглаб олқишлар, сенга Октябрь, эзилган, ҳурланган, эндиликда озодлик байроғини баланд кўтарган Осиё, Африка кутлайди сени! Африка ёнар гондек қайнаб-тошмоқда, шердек бақувват қоматини мағрур кўтариб қўллик, мустамлака занжирларини парчаламоқда. Осиё мустақил тараққиёт сари дадил бормоқда. Латин Америкасида қаҳрамон Куба халқи биринчи бўлиб озодлик байроғини баланд кўтарди.

Ижодкор, тинчликсевар совет халқи ўз озодлиги, мустақиллиги йўлида мардонавор курашаётган Осиё, Африка, Латин Америкаси халқларига оташин салом йўллайди.

Салом эй Октябрь, тинчлик жарчили, осийишта ҳаётимизнинг секин иқдочис! Сенинг ғолиб байроғинга эзилган биринчи муқаддас сўз «тинчлик» эди. Тинчлик, тотув яшаш — Улуг Октябрь ғоилари, Ленин ғоилари Совет давлатимиз ташқи сийсатининг асосий йўли бўлиб келди ва келмоқда. Тинчлик учун оташин курашчи Н. С. Хрущёвнинг БМТ Бош Ассамблеясидаги бутун фаолияти Ленинча тинчлик, тотув бўлиб яшаш сийсатининг ёрқин ифодасидир. Биз тинчлик истаймиз, бу бизнинг амалий ишимиз, мақсадимиз шпориридир. Аммо ўт билан ўйнашаётган, урушдан манфаатдор бўлган АКШ империалистлари зўр бериб қуролланишни давом эттирмоқдалар. Совет Иттифоқи бошчилигидаги социализм лагери, бутун дунёдаги тинчликсевар халқлар тинчлик учун, халқларнинг осийишта, тотув бўлиб яшашини учун қатъийлик билан курашмоқдалар. Тинчлик кучлари қудратли ва енгилмасдир!

Салом эй инқилоб, марҳаб сенга! Ишчилар, колхозчи деҳқонлар, бутун меҳнатқаш янги зафар билан, меҳнатда галаба ва шараф билан кутади олқишлайди эй шонли байрам! Биз улуг партияимиз XXI съезди қарорларини амалга оширмоқдамиз. Етти йиллик план муваффақият билан бажарилапти. Коммунизмнинг ёрқин горизонтлари тобора яқинлашмоқда. Улуг Октябрнинг ғолиб байроғи коммунизм йўлини ёритмоқда!

Давлатга полиз экинлари сотиш йиллик плани бажарилди

Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Улуг Октябрь 43 йиллигини ва КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб қутиб олқиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, давлатга полиз экинлари сотиш юзасидан олган мажбуриятларини муддатидан илгари 100 процент бажардилар. Давлатга 88300 тонна, ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 26 минг тонна кўп полиз экинлари сотдилар. Давлатга 50886 тонна полиз экинни сотиб, планин 113 процент бажарган Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ажойиб натижага эришдилар.

Андижон, Сурхондарё ва Хоразм областлари, шунингдек Қорақалпоғистон АССР давлатга полиз экинлари сотиш йиллик планин ошириб бажардилар.

Шоликорларнинг меҳнат совғаси

ЯНГИБОЗОР. (ҒАТАҒ). Улуг Октябрь социалистик революциясининг 43 йиллиги ва КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига социалистик мусобақани авж олдирган Юқори Чирчиқ районининг шоликорлари Ўзбекистонда биринчи бўлиб шоли сотиш планини муддатидан илгари бажардилар.

Давлат оморларига беш минг олти юз центнер шоли топширилди. Давлатга шоли сотиш давом этмоқда.

Ўзбекистон металлургиясининг рекордлари

БЕКБОД. (ҒАТАҒ). Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг пўлат эритувчилари Улуг Октябрь арасида ўз социалистик мажбуриятларини муддатидан икки ой олди бажардилар. Пландан ташқари етти минг тонна пўлат бердик. Пўлат эритишнинг муддати ўрта ҳисобда йигирма минут камайтирилиб, печини ҳар квадрат метрдан олиндирилган пўлат миқдори пландан ташқари етти тонна ортди.

Шу кунларда пўлат эритувчи Анвар Тошпўлатов заводи янги рекорд қўйди. У пўлатни 5 соатда эритиб, печини ҳар квадрат метрдан пландан етти арим тонна ўринга 12,7 тоннадан пўлат олди. Металлурглардан Николай Криси, Али Алиев ва Сергей Зверевлар ҳам октябрь шарафига юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Ўзбекистон металлургияси КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига Ватанга қўшимча равишда юзлаб тонна пўлат бериш мажбуриятини олдилар.



Рассом П. Шестаковнинг Б. Антонов фотоплакати асосида ишлаган фотомонтажи.

МАЗМУНИ—ШОДЛИК ВА ҲАЁТ УИҒУН

Атрофда жанг борар — Етти йилликнинг Тарихий, шарафли, ажойиб жанги. Қон тўкиш, юрт бузиш учун эмас, йўқ, Бу жангининг мақсади, мақдони янги.

Мазмун: бахт қўлини инсон бахтига, Жаҳонни гуллатиш бу жангдан мурод. Бу жанг ҳусн қўли Ватан ҳуснига. Бу жангининг мазмуни шодлик ва ҳаёт.

Азамат техника, атом ва ядрок — Ижод, сабот, ишонч бу жангда қурол. Бутун совет халқи бу жангда аскар, Бу жангда галаба қўлини қўқол.

Истиқбол яна ҳам қўни келсин деб, Гайрат камарини боғлабди белга, Жангдмиз, бу жангининг мақдони Бўлар дон, дарёлар нур берур элга.

Оқ олтиндан тоғлар ҳар ҳужумида, Ҳар бир ҳамласида минг тонна металл. Газ, олмос, нефть, қўмир унинг асири. Бир кунда бир йилнинг ишни қилур ҳат.

Ҳар бир ҳамласида бир шаҳар тайёр, Янги йўлдуз чаклар қўқна фазода. Бу жангининг йўллари қон, қўлдан холи, Бу жангининг йўллари пок ва озода.

Бу жанг ўтган жойда тирилар қўлар, Бу жанг ўтган ерда чамалар пайдо. Фарб эмас, қўшиқ лиғлар бу жангда, Шула сабаб мен унга бўлганман шайдо.

Садагаси кетай бунақа жангининг! Қошқи ҳамма ерда бўлса шундай жанг! Тинчлик ютиб чиқар бу жанг туфайли, Фақат ёларгина бу жангдан тажанг!

Қуруқликда, сувда, осмонда, ерда, Инсон қўли етган ҳамма жойда жанг! Бу жангининг шиддати, салобатидан, Улуғворлигидан олам ҳангу-манг!

Бу ўша, Октябрь қўлини дадил Бошлаган зўр жангининг давом эттиши. Бу ўша, Октябрь эрк берган халқнинг Ерни гуллатуви муқаддас иши. 1960 йил, ноябрь.

МОСКВА, 4 ноябрь. (ТАСС). Совет Иттифоқи Коммунист партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитетининг РСФСР бюроси ва РСФСР Министрлар Совети томига табриқнома юбди. РСФСРнинг маҳсулотлари юбди.

РСФСР колхоз ва совхозлари ўзларини дон экинлари уруғлиги билан таъминладилар, қулуғ экин планини 102 процент бажардилар. Республика давлаткорларни фидокорона меҳнат қилдилар. Улар етиштирган ва йиғиб олган давлатдан кўп миллион пуддан кўпроқ, ёки ўтган йилги қўшладан тайёрланган қанд-шакарга нисбатан кўпроқ, икки баравар кўп қанд-шакар тайёрланди. 1 ноябргача давлатга 890 минг тонна қўнғабоқар уруғи сотилди. Бу эса 1959 йилнинг шу давригача сотилган қўнғабоқар уруғи 252 минг тонна кўпдир. Маккажўр қорикорлар меҳнати янги муваффақиятлар билан тугалланди. Бу йил маккажўр экин майдони 13,2 миллион гектарга етди. Бу эса ўтган йилдагидан 1,9 миллион гектар кўпдир. Бу йил 90,3 миллион тонна селос, шу жумладан 68 миллион тонна маккажўр селоси бостирилди. Ўтган йилда нисбатан 20,5 миллион тонна қўнғабоқар селос жамғарилди. Колхоз ва совхозларда ҳар беш сигирга ўрта ҳисобда 10 тоннадан ширани озун тайёрланди.

РСФСРнинг қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари чорва-хўжалигининг меҳнаткашлари чорва-

Россия Федерацияси қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг муваффақиятлари

РСФСР колхоз ва совхозлари ўзларини дон экинлари уруғлиги билан таъминладилар, қулуғ экин планини 102 процент бажардилар.

Республика давлаткорларни фидокорона меҳнат қилдилар. Улар етиштирган ва йиғиб олган давлатдан кўп миллион пуддан кўпроқ, ёки ўтган йилги қўшладан тайёрланган қанд-шакарга нисбатан кўпроқ, икки баравар кўп қанд-шакар тайёрланди. 1 ноябргача давлатга 890 минг тонна қўнғабоқар уруғи сотилди. Бу эса 1959 йилнинг шу давригача сотилган қўнғабоқар уруғи 252 минг тонна кўпдир. Маккажўр қорикорлар меҳнати янги муваффақиятлар билан тугалланди. Бу йил маккажўр экин майдони 13,2 миллион гектарга етди. Бу эса ўтган йилдагидан 1,9 миллион гектар кўпдир. Бу йил 90,3 миллион тонна селос, шу жумладан 68 миллион тонна маккажўр селоси бостирилди. Ўтган йилда нисбатан 20,5 миллион тонна қўнғабоқар селос жамғарилди. Колхоз ва совхозларда ҳар беш сигирга ўрта ҳисобда 10 тоннадан ширани озун тайёрланди.

чилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишга ҳам қўшладилар. Ўшл сотиш йиллик планин 104 процент бажарилди. 3,8 миллион тонна — ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 281 минг тонна кўпроқ тушт сотилди. 13,6 миллион тонна, ёки ўтган йилнинг шу давригача нисбатан 877 минг тонна кўп сўт сотилди. 3,7 миллион донда туҳум тайёрланди, бу эса 1959 йилнинг шу давригача нисбатан 572 миллион донда кўпдир. Аяни вақтда колхоз ва совхозларда чорва туғи ҳам қўшладилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қатъий ишонч билдирадиларки, Россия Федерациясининг меҳнаткашлари етти йилликнинг учинчи йилида янада кўпроқ куч-гайрат сарфладилар ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда янги муваффақиятларга эришадилар, халқимиз учун озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда санаот учун хом ашё мулкчилигини вужудга келтириш учун умумхалқ курашига ўз муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШЛАР

5 ноябрда Свердлов номидаги концерт залида «Ташсельмаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг тантанали йиғилиши бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. П. Рашидов машинасозлар олдига Улуг Октябрнинг 43 йиллиги ҳақида доклад қилди.

Тошкент тўқимачилик комбинати коллективининг тантанали йиғилишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова доклад қилди.

Октябрь революцияси номидаги тепловоз-вагон ремонт заводи коллективининг йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Ф. Е. Титов Улуг Октябрнинг 43 йиллиги ҳақида доклад қилди.

«Таштекстильмаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективининг йиғилиши бўлди. Бу йиғилишда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ф. Гуломов доклад қилди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Қ. М. Муртазоев 153-қўрилмиш трести коллективини йиғилишида доклад қилди. (ҒАТАҒ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан ҳамда кўп йиллар давомида самарали ишлагани учун Тошкент давлат тамаки фабрикасининг директори Жаҳон Обидова Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Театр санъати соҳасида кўп йиллар давомида самарали ишлагандилар учун ва туғилган кунларига 50 йил тўлиши муносабати билан СССР халқ артистларидан Шуккур Бурҳонов ва Олим Хўжаев Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.

Оққўрғон район партия комитети ва район ижроия комитетига

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети КПСС XXI съезди тарихий қарорларидан илҳомланган Оққўрғон район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Улуг Октябрнинг 43 йиллигини ва КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб қутиб олқиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, давлатга икки йиллик план миқдориде гўшт сотиш юзасидан олган мажбуриятларини муддатидан илгари, шунингдек сўт сотиш йиллик планини 110 процент, жуғ сотиш йиллик планини 103,2 процент, туҳум сотиш йиллик планини 148 процент, қовун-тарвуз сотиш планини 196,8 процент, пичан сотиш планини 108 процент, пилла сотиш йиллик планини 156,5 процент бажарганликларини зўр қониқиш билан қайд қилдилар.

Давлатга узум, галла, ва хом тери сотиш юзасидан олган мажбуриятлар ҳам бажарилди. Район колхоз ва совхозлари моллар туғини кўпайтириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини ҳам адо этдилар. Бу йил қорамоллар 17,4 процент, шу жумладан ситирлар 22,8 процент, қўй ва эчкилар 5,2 процент, паррандалар 16 процент кўпайди.

Колхоз ва совхозлар чорвачилигининг ем-хашак базисини мустаҳкамлаш учун курашиб, селос бостириш юзасидан олган мажбуриятини икки баравар ошириб бажардилар ҳамда дағал хашак тайёр-

лаш топширигини гўла адо этдилар. Ўтган йилдаги нисбатан 3,4 баравар кўп ёки 50,9 минг тонна селос бостирилди.

Район колхоз ва совхозлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб давлатга қўшимча равишда 50 тонна гўшт ва 220 тонна сўт сотиш мажбуриятини олдилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Оққўрғон районининг колхозчиларини, қишлоқ хўжалик мунохассларини, партия, совет, қиссаб союзи, комсомол ходимларини ва барча меҳнаткашларини қўлга киритилган ютуқлар билан қизғин табриқлайдилар ҳамда район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари 1960 йилда пахта териш ва тайёрлаш юзасидан, барча турдаги чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва сотиш юзасидан ўз имкониятларига олган мажбуриятларини бажариш ва моллар ҳамда паррандаларини бундан бун ҳам қўнайишни таъминлаш учун бутун куч ва гайратларини сарфлайдилар. Илгор зоотехника усулларини ишлаб чиқаришда бундан кейин ҳам астойдил жорий қилдилар, экин майдонларини ўз вақтида шудгор қилиб қўйдилар, яхши тайёргарлик қўриб, чорва қишлоқини намунали ўтказадилар, шу йўл билан етти йилликнинг учинчи йилида қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини жадал ривожлантириш учун шарт-шароит ҳозирлаб қўйдилар, деб ишонадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР
МИНИСТРЛАР СОВЕТИ



Байрам совғалари

Электротехника заводи—рес- публиканинг пойтахтидаги янги корхоналардан бири ҳисоблана- ди. Бу ерда ҳалқ ҳўжалиги турли соҳаларининг эҳтиёж- лари учун ўнлашча миллион сўм- лик электр асбоб-ускуналари тайёрланади. Корхона кол- лективи бу йил ҳам баърақали ишлаётди. Иш жараёнининг тинимай механизациялаштири- лган электротехника 11 ой- лик ялпи маҳсулот ишлаб чи- қариш реаласи 1 ноябрдаёқ бажарилди. Улуғ байрамнинг 43 йиллик кўнрағига декабрь ойи ҳисобидан бир неча юз минг сўмлик электр асбоблари тайёрланди.

Тошкент гўшт комбинатининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари Улуғ Октябрь соци- алистик революциясининг 43 йиллигини меҳнатда юқори кўр- саткичларга эришиш билан ку- тиб олмақдалар. Фидокорона меҳнат қилаётган коллектив гўшт ва гўшт маҳсулотлари иш- лаб чиқариш йиллик реаласи 10 октябрдаёқ тўла бажарган эди. Бу ютуқни янада мустақ- намлаш учун астойдил ишти- рак ишчилар байрам шарафига йиллик пландаги кўшимча равишда бир неча минг тонна гўшт, қозларча тояна қолбаса ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чи- қаришди.

Оқянгорон гўшт комбинати- нинг ишчилари ва инженер-техник ходимлари Улуғ байрамни гўшт ва қол- баса маҳсулотлари ишлаб чиқар- иш йиллик реаласи бажариш билан кутиб олди. Шу даражада пландан ташқари қозлар- ча минг сўмлик турли маҳсу- лотлар тайёрланди.

Корхона ишчилари ўз мажбу- риятларини қайта кўриб чиқиб, йил охиригача яна бир ярим миллион сўмлик гўшт, қолбаса, гўшт яришфариқатлари иш- лаб чиқаришга аҳд қилдилар.

Байрамда меҳнат ваҳтаси- да туриб ишлаган 3 мебоель фабрикасининг коллективи рес- публиканинг аҳолисига 7 ноябр- гача 20 миллион сўмликдан кўпроқ хилма-хил мебоель буюм- лари етказиб бериб, шу йил- нинг 11 ойлик реаласини ошириб адо этди. Йиллик реаласи а- густи ойда бажариб қўйган ўр- тоқ Р. Тўраҳўжаев бошқича 3- неч коллективни шу кўнрағига 1961 йил ҳисобига бир ярим миллион сўмликдан кўпроқ ме- боель ишлаб чиқарди.

Наби ота қизи Маликанинг та- раддуғига раам солиб турганда, «ҳа- жоюланилти, ҳарқалай биринчи йил ўқити- ши-да» дея дилидан ўтказди.

Малика З.сиф ўқи- тувчиси. У ўқитувчи- ликка шу янги ўқув йилида дастлабки қа- дам қўйган. Малика бу кунини қандай алоҳида кутди. Ахир унинг отаси, акалари, кели- нойилари — ҳаммаси ўқитувчи. Улар мактаб- дан қайтган, ўз ишла- ри, айнаси қувчилар- ни, уларнинг бир кил ажойиб ишлари ҳақида бир-бирларига сўз бер- май, завқланиб гапи- ришди. Шунда Мали- ка ҳам «ўқитувчи бў-

ХАЛҚИМГА ТАБРИК

Ғафур ҒУЛОМ.

Эртага улуғ шодона кун. Э- ртатан озодалик, бахт-саодат бахш этган кун! Улкан мам- лакатимиз меҳнатқашлари, бутун прогрессив инсоният Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 43 йиллигини байрам қиладилар. Ок- тябрь байрами янги жаҳон байрами, инсониятнинг порлоқ истиқболи байрамидир. Неча асрлар меҳнат- қашлар дунёси ҳаёт учун, эрк учун, мангу бахту-саодат учун заувчилар- га қарши мардонавор курашдилар. Бу кураш Улуғ Октябрнинг шонли ғалабаси билан чамбарчас боғлан- гандир. Ҳа шундай Октябрда бал- қиган қуёш миллион-миллион киши- ларнинг истиқбол йўлини машғал- дек ёритди.

Шонли Октябрнинг қолбона бай- роғи 43 йилдан буён марғур хилпи- раб турибди. Бу ол байроқ янги социалистик тўзумнинг барқарор куч-қудратини, абадий нашо-намо- сини бутун дунёга намоиш қилмоқ- да.

Шу улуғ айём кўнрағига Ок- тябрь революцияси тантанаси учун олиб борилган шиддатли жанг- ларини, Россия пролетариатининг, мамлакатимиз халқларининг босиб ўтган қаҳрамонона шонли кураш йўлларини яна бир марта хотир- мизга келтирамиз.

Тошкент шаҳрининг революцион пролетариати ҳам шу ҳаққоний йўлдан бориб, улуғ Ленин парти- ясининг енгилмас аъзи билан чо- самодержавиега қарши қўзғолон кўтарди. Тошкент пролетариати Улуғ Октябрь революцияси кўнрағига Тошкент учун бўлган жангларда қатнашиб, Ленин байроғи остида ту- риб муқаддас Ватанини контрреволю- ционерлардан, оқ бандалардан, ма- даний буржуазиядан, реакциян руҳ- нийлардан қўлда қурол билан омон сақлаб қолди. Улуғ пойтахтимиз Тошкент, бутун Туркистон ўлкаси ишчи-деҳқонлар ва соддатлар ҳо- кимияти қўлига ўтди. Завод-фабри- калар ишчиларга, ер деҳқонларга, тинчлик халққа бўлди.

Муттасил курашлардан иборат бўлган Улуғ Октябрнинг 43 йили мобайнида буюк Ленин партиясининг раҳбар байроғи ҳамisha бошимизда ҳилпираб турди. Чор Россиясининг мустамлакаси бўлган, эзилган, қо- ронғуликда қолган, йўлсиз, нурсиз, саводсиз, оч-апул Туркистон ўлка- сида Советлар ҳокимиятининг тан-

танаси бошланди. Қозогистон, Қир- гизистон, Туркменистон, Тожикистон, Ўзбекистондан иборат миллий соци- алистик республикалар бутун бутун кўркамлиги билан шарқнинг маш- аки бўлиб турибди. Ўзбекистон фа- қат деҳқончилик республикасинга эмас, балки саноати ва маданияти гуллаб-яшнаган республика ҳамдир.

Биз пахтакор халқимиз. Бу йил 3 миллион 170 минг тонна пахта бе- рамиз. Шундан Тошкент области ҳиссасига 500 минг тонна пахта тушади. Биз ҳозирроқ зиммамиздаги бу вазифани 300 минг тоннадан ошироқ қилиб бажардик. Қолган қисmini ҳам тез фурсатда охири қўракча териб олиб давлат омбор- ларига топшириш учун ғайрат ши- жоат билан меҳнат қиламиз.

Визинг пахтамиз машиналарда терилмоқда. Пахтачиллигимиз учун керак бўлган ҳамма машиналар—ер ҳайдовчи трактордан тортиб терим машинасигача, селаякдан тортиб кў- рак чувши машинасигача ҳаммаси Тошкент ишчиларининг, Тошкент заводларининг маҳсулидир.

Тошкент республикасининг илм- фан, маданият ўқоғидир. Ўзбекистон Фанлар академияси ҳам Тошкентда жойлашган. Илм олимларимиздан Қори Ибзий, Ҳ. М. Абдуллаев, Алтунин, Ошанин, Ўлкунский, Ор- лов, Кошеников, Миронкина, О. Содиқов, С. Юнусов, И. Мўминов- ларнинг адреси ҳам Тошкентда.

Тошкентимиз ўзбек санъати ва маданиятининг ҳам марказидир. Бу ерда Ҳалимаҳон, Сорохоним, Тамара- хоним, Юнус Ражабий, Шукр Бур- ҳонов, Олим Ҳўжаев, Комил Ерма- тов, Лутфихоним, Ойбек, Комил Йилин, Абдулла Қаҳҳор, Ўйғун, Сер-гей Бородин, Швердин, Собир Абдулла, Ҳабибий яшайдилар. Бу нодир талентлар Октябрь самара- си, уларни Ленин партиясини ар- доқлади, тарбиялаб қамолат босқич- га кўтарди. Эндликда хур, серқуш республикамизда, она-Ватанимизнинг улуғ аҳил, жонжон оиласида минг- минглаб ана шундай етук кишилар коммунизм чамани сари бутун эл- юрт билан дадил қадам ташлаб бормоқдалар.

Шундай улуғ айёмда—байрам тоғотарида, халқимиз шодонаси кунда қадри дўстлар, биродарлар, Тошкент областининг меҳнатқашлари сизларни келатган улуғ байрамни- гиз билан табриқлайман.

МАНГУ ПОРЛОҚСАН

Жанг, бўронда туғилган байрам, Туғилгансан бўлиб бир қуёш. Сен туғилдинг, мазлум элларнинг

Туғилди қўзларда ёш. Сен туғилдинг, бошланди ҳаёт, Сен туғилдинг, қудди келажак. Сен туғилдинг, қоплади элни Мангу баҳор,

сўлмас гул, чечак. Кундан-кунга ўсиб, улғайиб, Ер юзини қоплади отинг, Қуёш каби мангу порлоқсан, Қуёш каби мангу ҳаётинг. Баҳор бўлиб туғилган байрам, Ингитлардек ёшсан

навиқрон. Кониғота доғруғинг кетган, Сен гул ҳаёт, Сен янги жаҳон!

Тўлқин

МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШДИ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг саноат бошқармасига қарашли за- вод ва фабрикаларнинг коллективлари Улуғ Октя- брь социалистик революция- сининг 43 йиллигини муно- сиб меҳнат совғалари билан кутиб олдилар. Корхоналар орасида социалистик мусо- бақани авж олдириш, про- грессив иш методларини кенг жорий қилиш натижасида ялпи маҳсулот ишлаб чиқар- иш 11 ойлик реаласи 4 ноя- браёқ бажарилди.

Республикамиз меҳнат- қашларига қўлаб кенг ис- теъмола буюмлар етказиб бериш учун астойдил кура- шаётган маҳаллий саноат ишчилари ўз имкониятлари- ни ҳисоблаб чиқиб, йил охи- ригача яна 35 миллион сўм- ликдан ортироқ маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қил- дилар. Л. ЕФРЕМЕНКО.

Октябрь қуёши асрлар даво- мида зимистон бўлиб келган ўзбек хонадонини ҳам маш- ақдек ёритди. Бахтимиз қулиб, қисқа муддат ичида ҳаётимизда шундай тубли ўзгаришлар бўй бердики, буни ҳар бир соҳада, ҳар бир қадамда ўзимиз кўриб туриб- миз.

Мен ранслик қилаётган Октябрь кишлор Совети территориясида кикката колхоз жойлашган. Шу ҳўжалиқлар эндиликда қандай ю- салнига эришганини, уларнинг аъзолари турмуши қанчалик фаро- волашгани ва маданиятлашгани- ни сўз билан таърифлаш қийин. Мисол учун «Октябрь» колхоз- ни олайлик. Бу колхоз ташкил топган дастлабки йилларда жуда кичик эди. Ҳаммаси экин 60 — 80 гектар ерда пахта бўлиб. Бу- тун бошлиқ колхозда 10 — 15 от, 2 — 3 арава бор эди. Кейин 25 йил ичида бу колхознинг экин майдони қариб 30 баравар кен- гайдди. Пахта ва бошқа экинлар- нинг ҳосилдорлиги бир неча бара- вар ошди. Эндликда бу колхоз ишлаб чиқаришининг барча соҳа- лари комплекс механизациялан- ган, деҳқончилик маданияти юксал- ган илгор ҳўжалиқка айланди.

Бу йил колхоз аъзолари салкам 1400 гектар ерда чигит экидилар. Далада мўл-қўл ҳосил етишди. Ғўзани парварниш қилишда меҳа- нимлардан кенг фойдаланилгани- дек, ҳосилнинг асосий қисми ма-

Янгийўл гидролиз заводининг меҳнатсевар коллективи улуғ байрам шарафига бошланган социалистик мусобақада катта муваффақиятни қўлга киритди. Гидролизчилар етти йилликнинг иккинчи йили реаласини муддатидан деярлик 70 кун илгари бажардилар. Шу кўнрада улар келаси йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришда, Суратда: корхонанинг илгор ишчилари ва ин- женер-техник ходимларидан биргруппаси: (чапдан ўнгга) В. Новоселов, С. Сайдалиев, Р. Межид- динов, В. Зиянов, А. Алиева, В. Ивашченко, И. Когай, Б. Минченко, П. Мурзаев ўртоқлар. А. Абалин ва М. Нуриддинов фотоси.

ҲАР ИШДА ПЕШҚАДАМЛАР

Тўшқи овқатдан сўнг ишчилар қизил бурчақда қордиқ чиқариб ўтиришарди. Биров газета ўқиб, бошқалар журналларни кўздан кечи- ради. Тўшқу бўлиш, шахмат-лашқа, домно ўйнашар эди. Ахтам Сибатуллин бошчилигидаги бригада аъ- золари ҳам шу ерда эдилар. Бу бригада деярли бир йилдан бери коммунистик меҳнат бригадаси номи- ни олиш учун курашди. Дам олин вақти тугай деб қолганда лех бошлиғи Евгений Трофимович Доку- чаев келди. У тўғри Сибатуллин бригадаси олдида бориб:

— Ахтам, сени завкомга чақиряшяпти. Хо- зироқ борар экансан, — деди.

— Ингитлар, ишни бошлаб юбораверинг, мен тезда қайтиб келаман, — дедию. Ахтам завком томон йўл олди. Бригада аъзолари ишга тушиб кетдилар. Улар Ахтамнинг нима масалада чақирил- ганини билдилар, шунинг учун келишини тоқатсиз- лик билан кутдилар. Аммо ундан ҳамон дарақ йўқ эди. Оравдан ўтган ҳар бир дақиқа худди соат- дек бўлиб туюларди.

— Ана келипти, — деди ишчилардан бири. Бу ҳаммани ҳайжонлантириб юборди. Шунинг учун ҳам ишчиларнинг бригадир келиши билан:

— Нима бўлди?

— Беришадиган бўлишди? — деган саволлари ёғила бошладди.

— Масала ҳал бўлди, — жавоб берди Ахтам. — Завком бизга коммунистик меҳнат бригадаси но- минини беришга қарор қилди. Ҳаммангизни шарафли ном билан табриқлайман.

Бригада аъзолари эфр хурсандчилиги билан бир- бирини табриқлашар эди. Уларнинг бу хурсандчили- гига бошқа ишчилар ҳам қўшилишди.

Бригада аъзолари ана шу шарафли номи қозо- ниш йўлида фидокорона меҳнат қилишди. Улар қўшимча қасбларни ўрганиш, ўз билим доирала- рини кенгайтириш, ҳулқ-атворда бошқаларга ўрнак бўлиш, иш жараёнини тақомиллаштириш бўйи- ча зиммаларига олган барча мажбуриятларни ша- раф билан бажардилар.

Коммунистгача ишлаётган бу азаматлар сифат- ли меҳнат қилиш билан чекланмай, компрессорлар-

нинг айрим деталларини ихчамлаштиришга қара- тилган бир неча новаторлик тақлифлари билан ҳам чиқишди. Компрессорларнинг электрик қисмлари жуда мураккаб бўлиб, унч монтаж қилишда анча қийинчиликлар туғдирарди. Бунинг устига рангли металлдан қилинган сим ва шнурлар жуда кўп сарфланарди. Бригада аъзолари электрик қисмла- рининг аёқлашининг ихчамлаштириш устида бош қотира бошладилар. Қўшма изоляциялардан сўнг, бу жумбоқни ҳал қилишга муваффақ бўлишди. Слесарь Владимир Афанасьев сарфланадиган сим ва шнурларни амалдаги қараганда бир ярим ба- равар камайтириш мумкинлигини тақлиф қилди. У амалда синоп қўрилган машинанинг сифатига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаслиги исботланди. Бу тақлиф қилинган ҳам ахир чиқиб қолди. У ҳар йили 30 минг сўмдан ортиқ маблағ тежаш имконини бе- ради. Авторга 1000 сўм мукофот берилди.

Бригадирнинг ўзи ҳам актив рационализаторлар- дан ҳисобланади. У қиёдагина иккинчи муҳим тақли- ф билан чиқди. Контакт дисксининг ҳалқасини 5 миллиметр юпалантириш мумкинлигини амалда кўрсатди. Бу тақлиф ҳалқа учун ишлатиладиган қимматли металл — мисни қўлаб тежашга ёрдам беради. Бригадирнинг бошқа аъзолари ҳам шундай қимматли тақлифлар билан чиқишди.

Ҳар бир ишчи ўз билим доирасини кенгайтириш устида тинмай ишламоқда. Владимир Афанасьев Тошкент транспорт институтининг кечки бўлимида, Александр Тершин эса КПСС тарихини ўрганиш тўғрисида, Ахтам Собирович сийёсий мактабда ўқи- моқда.

Бригада аъзолари Улуғ Октябрнинг 43 йиллиги шарафига бошланган мусобақада ҳам пешқадамлик қилди. Бригадирнинг ҳар бир аъзоси бутун вуқуд билан берилиб ишлаши натижасида норма мунта- зам 150 — 170 процент бажарилмоқда. Улар йил- лик реаласини муддатидан бир неча ой илгари бажар- иб қўйишди. Ҳозир эса неҳдаги бошқа бригада- ларга янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлашти- ришда ёрдам бермоқдалар.

М. МИРҲАМИДОВ, «Таштрансмаш» заводининг йиғув пехи.

ОКТАБРЬ БЕРГАН БАХТ

кишлар билан териб олинмоқда.

Колхоз намунали чорвачилик фермаларига эга. Чорвадорлар- нинг гўшт, сўт, жуи ва туҳум етиштиришни қўлайтириш соҳаси- да кураши ажойиб натижалар бераётди. Улар Улуғ Октябрнинг 43 йиллигини давлатга гўшт со- ни буйича уч йиллик реаласи ба- жарши билан кутиб олдилар.

Колхозда Октябрь революция- сидан олдин бу ерда келган ки- шилар ҳам яшайдилар. Уларнинг бири ҳозир шу колхозга раслий қилаётган агроном, колхоз ишлаб чиқаришининг ажойиб ташкил- чиси, Социалистик Меҳнат Қаҳра- мон А. Д. Брухтийдир. Унинг ҳикоя қилишича, 1917 йилгача колхознинг ҳозирги марказий киш- лорда бор-йўри 20 — 30 ҳўжа- лик яшаган. У пахтада бу ерда бо- роғлар бўлмаган. Мактаб йўқлиги- дан одамлар гўрт саводсиз бўлган- лар.

Мана энди шу колхознинг киш- лор шаҳарга ўхшаб кетган. Кенг ва равои кўчалар, янги типдаги дачиллама уйлар, мактаб, клуб, боқча ва яси, қанчадан-қанча чо- рвачилик ҳаёти бошқа ҳўжалик би- нолари — ҳаммасини санаб ҳисо- бига етиб бўлмайди.

Партия ва ҳукуматимиз мутта- сиа гамхўрлик қилаётганликлари тугайли аҳоли турмушининг фаро- вонлик ва маданий даражаси тобо- ра ривожланиб бормоқда. Ҳар бир

хонадонда Илчи чироғи ва радио, қўлчилик хонадонларда телевизор, «Волга», «Победа», «Москвич» автомашиналари бор.

Бунинг бонси шуки, колхозлар тобора кўп маҳсулот етиштирмоқ- далар. Ҳўжалиқдан йил сайин кўп даромад олаётирлар. Туқ ва мада- ний ҳаётнинг манбаи ана шу.

Ҳозир кишлор Советимиз терри- ториясида 7600 киши яшайди. Ҳамма ёлпасига саводхон, Мавжуд 8 та мактабда меҳнатқашларнинг 1300 га яқин боласи таълим ол- моқда.

Кишлоқ аҳолиси орасидан қўш- гина олий маълумотли врачлар, агрономлар, ўқитувчилар, эконо- мистлар, бухгалтерлар, колхоз ишлаб чиқаришининг ажойиб таш- килчилари пахта усталари, ил- лор чорвадорлар етишиб чиқди. Уларнинг кўчилиши шу ерда иш- ламоқда. «Октябрь» колхозининг ферма устидири, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Екате- рина Ивановна Чериян, шу колхоз- нинг дондор бригада бошлиғи Иброҳимжон Юсупов, республи- када хизмат кўрсатган ўқитувчи Валентина Лаврентьевна Дубови- ча бошқа ўртоқлар шулар жумла- сидан. Ҳозирги вақтда колхоз- чиларнинг ўнлаб фарзандлари олий ўқув юртларида ўқишяпти. Буларнинг ҳаммаси Октябрнинг, Октябрь берган бахтли ҳаётнинг самарасидир.

Кишлоқ Советининг қиёбаси кун сайин ўзгармоқда, у ободона- шиб, кўркам тус олмоқда. Чунки ҳар йили давлат бюджети ва ма- ҳаллий бюджет ҳисобидан соғлиқ- ни сақлаш, маориф, ободончилик ва маданий-маиший эҳтиёжларга бир неча юз минг сўмлаб маблағ сарфланаётди.

Шу кўнрада кишлор Совети- нинг барча меҳнатқашлари КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми шарафига социалистик мусобақани кенг қизитган ҳўда меҳнат қилмоқдалар. «Октябрь» колхозида ҳам, «Ленин» кол- хозида ҳам етиштирилган пахта ва бошқа кишлор ҳўжалик экинлари ҳосилини тўла йиғиб-териб олиш, 1960 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни тўла-тўқис бажариш учун кураш қизиган давом этаётди.

Кишлоқ Совети меҳнатқашлари етти йилликнинг иккинчи йили топириқларини муваффақият- ли адо этишлари ва Улуғ Октябрь тугайли озодалик эришган, яқо- нда куч ва ғайрат тобора барқ уратган халқ нималарга қодир эканлигини амалда яна бир қарра исботлайдилар.

Л. ЭРБҒАЕВА.

Гулистон районидagi Октябрь кишлор Советининг расис. Социалистик Меҳнат Қаҳра- мон.

